



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 29 октябр, чоршанба № 168 (1593)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахл-сиздир, улардан суд қарорисиз маҳ-рум этишга ёки уларни чеклаб кўйиш-га ҳеч қим ҳақли эмас.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг V-боб 19 ва 20 моддалари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Мени Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти-«Дўстлик» ордени билан тақдирлаганингиз учун Сизга самимий ташаккур ва чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

1996 йили Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг проректори этиб тайинланганидан буён Сизнинг таълим соҳасидаги ислохотларни шахсан қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам кўрсатиб келаётганингизни, Ўзбекистон учун халқро андозалар даражасидаги юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш йўлидаги толмас савий-ҳаракатларингизни доимо ҳис этиб келаман.

Япония молия ва академик доираларининг вакили сифатида, Сизнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш ва чуқурлаштириш борасидаги узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сўбсатингиз аҳамиятини жуда яхши англайман. Сизнинг раҳбарлигингизда Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик борасида эришилган натижа - 15 октябрдан миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришишдаги муваффақиятлар Японияда самимий эҳтиром ва ҳайрат уйғотди. Катъий ишонанманки, бу муваффақиятлар ҳўжалик юртишни эркинлаштириш, бизнесни ривожлантириш, хорижий сармоя жалб этиш ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашув жараёнини янада тезлаштириш учун мустақам замин яратишга имкон беради.

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси билан биргаликда бундан буён ҳам Ўзбекистон банк-молия тизими учун мутахассислар тайёрлашга қўмаклашиш ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлаш йўлида бор куч-ғайратини ишга солавераман.

Сиз, Жаноби Олийларига аjoyиб ва гўзал мамлакатингизда ислохотларни амалга оширишда янги-янги муваффақиятлар, мустақам соғлиқ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

Тошихару КИТАМУРА, Япония Молия вазирлиги махсус маслаҳатчиси, Япония Тараққиёт банки бош ижрочи директори, Васеда университети профессори



## БОҒЛАР БОЛГА ТўЛГАНДА

Паркент туманидаги «Заркент» ширкатлар ҳўжалиги ҳавоси тоза, табиати ҳўшманзара жойда жойлашган бўлиб, одамлари меҳнатқаш, одамхўндир.

Ҳўжаликнинг 3006 гектар фойдаланиладиган ери бўлиб, 734 гектарда ток, 460 гектар ерда мевалик боғлар мавжуд. 1420 гектардан ошқ майдонда эса галла, беда, шולי каби деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади.

Ҳўжалик туманда етакчилардан ҳисобланади. Ўзбекистон Кахрамони Тоживой Ризаев бошчилик қилаётган ширкатлар ҳўжалигидаги узумзор ва мевазорларда 1503 та оилавий пудратчи шартнома асосида иш олиб боради.

Режадаги ҳосил ҳўжалик омборига, қолгани оила «чўта-гига» тушади. Ҳамма меҳнатига яраша ҳақ олади. Шундан бўлса керак, бу ердаги ишлар бир маромда, режа асосида юргизилади.

Утган йилги даромаддан ҳўжаликдаги таътиб биноси қайта таъмирланди. 600 ўринга мўлжалланган таътиб ва тарбия маскани замонавий тарзда қад ростлаб ҳўжалик фарзандларини ўз бағрига олди.

Суратларда: пудратчи Латофат Ашурова; ҳўжалик манзараси. Мухаммад АМИН (Ўза) олган суратлар

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, Муборак Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва биродарона истакларини йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Аллоҳ азза ва жалладан ушбу ойни қут-барока ойи қилишини, Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқи га бахт-саодат, Ислон умматига шон-шўҳрат, юксалиш ва зафарлар ато этишини сўрайман. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат этгувчидир.

Камоли эҳтиром ила, Биродарингиз Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Подшохи

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, Муборак Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларини изҳор этишдан гоят мамнунман.

Аллоҳ азза ва таолодан ушбу ойни қут-барока ойи қилишини, Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, халқингизга фаровонлик, Ислон умматига шон-шўҳрат ва зафарлар ато этишини сўрайман. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат этгувчидир.

Камоли эҳтиром ила, Биродарингиз Шаҳзода Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари, Миллий гвардия қўмондони

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Рамазони Шариф ойи кириб келиши муносабати билан Мальдив ҳукумати ва халқи номидан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва биродар халқи га самимий табрикларим ва энг эзгу тилақларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳ мусулмон умматига ўз раҳматларини ато этсин ҳамда уни тараққиёт ва фаровонлик йўлига бошласин!

Маъмур Абдул КАЮМ, Мальдив Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, кодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқи га бизнинг буюк Ислон умматимизга доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Юксак эҳтиром ва хурмат билан, Мухаммад Хусний МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Қутлуғ Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сизга самимий табрик ва эзгу истакларини йўллашдан мамнунман.

Ушбу муборак ойда Аллоҳдан Сизга, дўст Ўзбекистон халқи га барча мусулмон аҳлига давоимий тараққиёт ва равнақ ато этишини сўрайман.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ, Иордания Подшохи

## БЕКЎС ФАМХўРЛИК НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги жаоно ижро этиш бош бошқармаси ҳамда Бош прокуратура томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Фармонга асосан авф этилган маҳкумлар оиласи бағрига қайтиди. Хусусан, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир этган мингдан зиёд шахс жазодан озод қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли идоралар билан ўтказган тадбирлари натижасида уларга моддий ёрдам кўрсатилди ва аксарияти иш билан таъминланди.

А.Ҳасанов пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан етти йилга озодликдан маҳрум этилиб, муддатнинг учдан бир қисмини ўтаб қайтган.

Уч фарзандим бор,- дейди собиқ маҳбус. - Озодликка чиққан ҳаётимни бутунлай янгидан бошлашга аҳд қилдим. Оилам, фарзандларим бағрига қайтишим учун катта имконият яратган Ўртбошимиздан умрбод миннатдорман.

Муассасада ўтган йиллар Ҳ.Роҳатилевага ҳам катта сабоқ бўлди. У етти йилга озодликдан маҳрум этилиб, шундан икки йилни ўтаб бўлган эди. Президент фармони жонига оро кирди. Ўртбошимизнинг

ишончи, авфи уни ҳаётга янги қарашга ўргатди. Экстремистик тўда қармоғига илинган А.Пўлатов эса яқинда жиний жазага маҳрум этилган эди. У қилган ишдан пушаймонлигини билдиргани учун авф этилди.

Президентимизнинг инсонпарварлик билан йўғрилган фармони мендай осий бандаларга тўғри йўл кўрсатди. Мамлакатимизга, фуқароларимиз хавфсизлигига таҳдид солишга уринаётган ичи қора қиёматга таъсирга берилди қолганидан жуда-жуда афсусдаман,- дейди у.

- Энди ҳалол ва тўғри яшаб, меҳнат қилиб, давлатимиз раҳбари билдирган ишонични оқламоқчиман.

(Ўза)

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоравул қўшинларига қарашли ҳарбий ўқув марказига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан хизматга чақирилган йигитлар этиб келаяпти.

### ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ЛИБОС КИЙДИ

Хизматга келаётган йигитларнинг барчаси соғлом, бақувват, етарлича билимга эга,- дейди ҳарбий қисм командири ўринбосари, подполковник Турғун Холиқов. - Шундай бўлса-да, уларни яна бир бор тибиб текширувдан ўтказамиз. Еш аскарлар ўқув марказида дастлабки малака ва кўникмаларга эга бўлади.

Ҳарбий либос кийганимга бир соатча бўлди,- дейди хоразмлик оддий аскар Бехзод Отахонов қувончини яширолмай. - Узимни бамисоли Гўрўлини ҳис қилаяман. Мен бир умр ҳарбий бўлишни орзу қилгандим. Шўкр, ниятимга етдим. Муддатли хизматим тугаган, шартнома асосида хизматни давом эттирмоқчиман.

«Марду майдон», «Ватанимга хизмат қиламан» каби телекўрсатувларни севиб томоша қилиб, тезроқ улғайишни, ҳарбий хизматга қақирлишни орзу қилардим. Бугун ниятимга етдим, - дейди оддий аскар Наврўз Саъдуллаев. - Худо хоҳласа, бугунги аскарлик либосимни келажакда офицерлик формасига алмаштиришим ниятим ҳам йўқ эмас.

(Ўза)

## Бугуннинг одамлари

### ЭЛЛИҚАЛЪА САНОАТИ

Дийримизнинг номи тилга олинса, элимизнинг нурафшон бугуни ва гўзал келажоғи кўз олдимизга келади. Бундай дорилмомонликларни яратётган кишиларимизни бугунги куннинг қаҳрамонлари десак муболага бўлмайди. Эллиқалъанинг оловқалб инсонлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Эллиқалъаликлар ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ишбилармон, забардаст инсонлар меҳнатининг самарасидир. Эллиқалъа Қоракалпоғистон иқтисодиётининг таянч нуқтасидан бири. Бунинг боиси аввало иқтисодий раванқнинг муҳим омилли - кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратилганидир. Хозирги кунда туманда 863 кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тармоқ ривож учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан жорий йилнинг яряида 342 миллион сўм, бундан ташқари, Орол жамғармаси Бўстон агентлиги томонидан 31,8

миллион сўмлик кредит ажратилди. Ана шулар ҳисобидан жорий йилнинг 6 ойида 3910 та янги иш ўринлари очилди. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кўмағида амалга оширилаётган «Кишлоқ ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасига кўра 9,3 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди.

Айтиш мумкинки, Эллиқалъа қиёфаси кейинги йилларда кескин ўзгарди. Асризмнинг бунёдкорликларидан бири деб аталган «Учқудўқ Мискин-Султон Увайсто» темирйўли ишга туширилиши муносабати билан бу ерда ҳашаматли вокзал қад ростлади. Эллиқалъа ва Беруний туманларининг халқ ҳўжалик юкларини ортши ва тушириш станцияси қурилди. Туманда саноятнинг юксак даражада ривожлантириши сари дадил қадам ташланди. Чет эл сармояларини жалб этиш самарали натижалар берапти.

Туманга фақат ўтган йилнинг ўзида 5112,5 минг АҚШ доллари миқдорда хорижий сармоя киритилди. Айни кунларда эса «Эл Рослес» Ўзе-

бекистон-Россия қўша корхонаси фаолият бошламоқда. Низом жамғармаси 75 минг АҚШ долларига тенг бу корхона асосан меҳел жижозалари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Челябинск вилояти, Каркино шаҳридаги «Курйишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият томонидан келтирилиб берилмоқда.

Қувончлиси шундаки, Қизилқум саҳросига туташ ҳўжаликларга оби-ҳаёт тарагучи «Бўстон» каналининг биринчи навбати ишга тушди. Унинг узунлиги 35,3 километр. Турғидан-тўғри Амурдарёдан сув оладиган бу улкан иншоот ҳар сонияда 50 кубометр сув ўтказиш қувватига эга. У туманнинг 15 минг гектар майдондаги экинзорларини сув билан таъминлайди.

Буларнинг бари Эллиқалъа аҳолисининг меҳнатсеварлигидан, мақсад сари ғайрат-шижоат билан интилаётганлигидан, иқтисодиётнинг раванқидан далолат бериб турибди.

И.ТўЛЕЕВ, етакчи мутахассис

Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Ироқдаги ходимларини хавфсиз жойга қўчириш ҳақидаги қарорига биноан ўтказдан зиёд чет эллик ходим Бағдодни тарқ этди. Бу ҳақда Қизил Хоч ташкилотининг Ироқдаги масъул вакили Пьер Гашман маълум қилди.

Мазкур минтақда кейинги пайтларда содир этилаётган баъзи қўрувчилик ҳаракатлари нафақат маҳаллий аҳоли, балки халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ходимлари ҳаётига ҳам жиддий хавф солмоқда. Утган дундан бунди содир этилган қўрувчилик ҳаракати ҳам кундан мустанос эмас.

\*\*\*

Шу йилнинг 15 октябрыда Озарбойжонда президентлик сайлови бўлиб ўтган эди. Қуни кеча Озарбойжон Конституцион суди мамлакатнинг янги президенти номини расман эълон

қилди. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясининг маълум қилишича, сайловда мамлакатнинг амалдаги бош вазир Илхом Алиев етмиш олти фоиз овоз билан ғалаба қозонган.

Илхом Алиев Озарбойжон президенти Хайдар Алиевнинг ўғли. У 1982 йида Москва Давлат халқаро муносабатлар институтини тамомлаган. 1985 йилдан бошлаб эса мазкур илм даргоҳининг аспирантурасида таълим олиб, тарих фанлари номзоди илмий уюнонга эришган.

И.Алиев 1994 йида Озарбойжон давлат нефт компаниясининг вице-президенти, 1996 йида эса биринчи вице-президенти лавозимида фаолият кўрсатди. Президент Хайдар Алиев тавсияси билан у 2003 йилнинг 4 августда мамлакат бош вазирлиги этиб тайинланди.

(Ўза)

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### «КУЧЛИ СОВУҚ» ДАСТУРИ ТУЗИЛДИ

Исроил ҳарбийлари «Кучли совуқ» деб аталмиш дастурни ишлаб чиққанликларини ошқор қилдилар. Унда бирон бир мартабали шахснинг «вафоти, хатто, табиий равишдаги ўлими» вазиятларида армиянинг хатти-ҳаракатлари хусусида сўз боради. Бундай арбоблар қаторига Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арофат номи ҳам киритилган.

Юқорида айтилган ҳолат юзага келса, режада кўрсатилганидек, Урдун дарёсининг гарбий соҳили ҳамда Ҳазо минтақаси тўлиқ истило қилинади ва ушбу ҳудудларда ҳарбий бошқариш жорий этилади.

### ИШИСИЗЛИК КўПАЙМОҚДА

Франсидада чиқадиган «Монд» газетасида ишсизликка бағишланган катта мақола чоп этилди. Унда айтилишича, «Еврокомиссия» маъ-

лумотларига қараганда, ҳозир Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳудудида ишсизлик жорий йўл ўрталарида 8 фоизни ташкил этди. Бу рақам 2001 йида 7,3 фоиз бўлган эди. Шу боис Еврокомиссия Европа Иттифоқи давлатлари ўз иқтисодларини кўтармасалар, аҳвол бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин, деб оғохлантирди. Ишсизликнинг ўсиши асосан Германия, Австрия, Дания каби давлатларга тўғри келди. Эндиликда юқори технологияларни жорий этишга, аёлларнинг меҳнат фаоллигини кўтаришга, ёшлар кўпроқ жалб этиладиган меҳнат турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, деб таъкидланди мақолада.

### ГўДАКЛАР «ЭСПЕРАНТО»СИ

Финляндиянинг Турку шаҳридаги университет олимлари гарбий кашфиёт қилдилар. Улар узоқ йиллик тадқиқотлардан сўнг гўдаклар ўзига хоос «эсперанто» тилда мулоқот қила-жақларини анжқадилар. Бир неча

бола устида тажриба олиб борган руҳшунослар болалар уч ойлигидан олти ойлик бўлгунча 1,5 мингта товуш чиқарар эканлар. Гўдаклар оналари, бир-бирлари, қўғирчоқлари билан қилган мулоқотларида бир хил тилда «гаприганликлари» маълум бўлди. Ярим йиллик ёшдан сўнг уларнинг тиллари унли ва унсиз товушларга ўтажқлиги аниқланди.

### ТААЖЖУБ УЙҒОТГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

Ҳаксиянинг Бейсқ шаҳрида галати конференция бўлиб ўтди. Унда Ҳаксия элтига мансуб авлодлар ўтмиши таҳлил этилди. Конференцияда Ҳаксия ҳукуматининг аъзолари, республика Олий Кенгаши депутатлари ҳам қатнашдилар. Конференция йилгиланларнинг оловга сажда қилишлари билан очилди, шундан сўнг миллий кишлоқларни ривожлантириш муаммолари ҳақида сўз юриштилар.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Инсонийлик удумлари

САВОБ ОЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Баҳор палласи ҳамма ерда Наврўзни муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик авж олади. Жамоат ташкилотлари, касаб

ёшларини артаркан, кўшиб қўйди: - Акбархожи Отахонов деган ишбилармон бор. Мен учун ту

узок йиллар савдо ходими дейилса, «учар», ҳеч нарсдан қай

да ўзи ишлаётган озик-овқат дўконини хусусийлаштириб қўл

Пётр Тимофеев асли Москвадан бўлиб, тақдир шамоли бу ёқларга олиб келган. Хо

«Мехрибонлик уйи» дан қайтарканмиз, Пётр Тимофеев кўзларига ёш олиб шериклари

Узбекистонимиз Мустақиллигидан сўнг ишбилармонлик учун яратиб берилган шарт

Авалло, йигирмага яқин одам фирма туфайли иш топиб, оиласини тебратяпти, - дейди Акбархожи. Ойига ишловчиларга 500 минг сўм атрофида маош берамиз. Нон цехимиз ишлаяпти. Шаҳардаги 24-мактабни янги ўқув йилига сошлаш учун 500 минг сўм, «Фалча» маҳалласидаги кам таъминланган оилалар учун 100 минг сўм, «Мехрибонлик уйи» учун ҳам шунча пул ўтказиб бердик. Шунингдек, шаҳардаги тиббиёт тармоқлари тараққиёти учун ҳам ёрдамлашяпти. Масалан, «Тез ёрдам» касалхонасига 500 минг сўм, вилоят шифокорларининг малака ошириб келишлари учун 500 минг сўм пул ўтказиб бердик. Бундан ташқари, хайрия ишларида ҳам иштирок этяптимиз.

Яхшиям, ушбу саховатли юрда яшаганим - деди П.Тимофеев. - Бўлмаса, қасайганимда кўчада қолиб, хор бўлардим.

Ишбилармон Акбархожи Отахоновнинг бугун сиз билан биз хабар топган саховати унинг фаолиятидан битта мисол холос, - деди шерикларимиздан бири. - Аслида қўли очик, кўнгли дарё инсоннинг шаҳарни тараққий эттириш, етим-есирлар кўнглини олиш, муҳтожлар мушуқлини енгиллатиш соҳасидаги ишлари кўп...

Узбекистонимиз Мустақиллигидан сўнг ишбилармонлик учун яратиб берилган шарт-шароит ва имкониятлар бизга қанот бағиштади, - деди суҳбатда А.Отахонов. - Олдинлари юқоридан етказиб берилган молни сотиш билангина шуғуллани эдик. Энди эса фаолиятимизни яхшилаш ва кенгайтириш учун зарур бўлган ҳамма ишни қонун доирасида қилишимиз мумкин.

Ха, машойиҳлар бойлари саҳий юрт ободдир, деб бежиз айтишмаган. Акбархожи Отахонов сингари ишбилармонлар бор экан, уларнинг сояси элга тушаверади.

Кейин суҳбатдошимиз кўз

Яширишига не ҳожат! Биз

Хуллас, А.Отахонов 1998 йил

О.НАЗАРОВ

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

лиги 40 центнердан ошади.

Шартнома режаси муваффақиятли уддаланган бўлса-да, ҳўжаликда йигим-терим қизгин давом этмоқда. Ғайратли теримчилар дақиқалар қадрига етиб, суръатни бўшаширишмаяпти. Қабул пунктларига элтиб берилган «оқ олтин»нинг асосий қисми юқори нави ташкил этганлиги боис, дехқон чўнтаги пул кўрадиган бўлди. Ҳўжалик бошқаруви раиси Пирмуҳаммад Эргашевнинг таъкидлашича, ютуқларнинг яна бир омили касаб



Ерни эъзозлаган дехқон асло кам бўлмайди. Нарпай туманидаги «Самарқанд» ширкат хўжалиги миришкорлари бултур кузричи шудгорлашни оби-тобида амалга оширишганди. Маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланилганлиги, сара уруққа алоҳида

этибор берилганлиги ва, энг муҳими, инсон омилига этибор кучайтирилганлиги кўзланган маррани Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб эгаллаш имкониятини берди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, йиллик якун бўйича гектар ҳосилдор

Ш. АКРОМОВ ва Б.НОРКУЛОВ олган суратлар

Қарор ва ижро

Ўқили-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари вилоят тармоқ касаб

са бўлади. Маданий-маърифий ишларни жонлантириш, меҳнатқашларни миллий истиқлол гоилари руҳида тарбиялаш, шу орқали ижтимоий турмуш тарзида ижобий ўзгаришларга эришиш давримизнинг муҳим масаласидир. Бу касаб

АМАЛИЙ ИШ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИНИНГ МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Вилоят тармоқ корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларининг аҳоли, бу масалага доир битимнинг бажарилишини таъминлаш бўйича касаб

Ишчиларни ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминлаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишига эришиш этибордан четда қолган. Эҳтимом шунинг учун корхонада 3 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. «Самарқандгеология» корхонаси, кимё заводида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар аниқланди.

Лекин вилоят кенгаши томонидан ўтказилган текширишларда ва раёсат мажлисидаги муҳокама чоғида бир қанча камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Ҳусусан, Самарқанд электр тармоқлари идорасида аҳоли анча яхши бўлса-да, касаб

Вилоят касаб уюшмалари Кенгашининг раёсат мажлисида жиддий таҳлил қилинган, жойларда камчиликлар ибратли тақдирлар тақдирланган. Кейинги раёсат мажлисида биринчи алоқа тармоғидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш аҳоли муҳокама қилинди. Баъзи жузъий камчиликлар бўлса-да, тармоқда меҳнат муҳофазаси тадбирлари ибратли тақдирлар тақдирланган. Кейинги раёсат мажлисида биринчи алоқа тармоғидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш аҳоли муҳокама қилинди. Баъзи жузъий камчиликлар бўлса-да, тармоқда меҳнат муҳофазаси тадбирлари ибратли тақдирлар тақдирланган.

Бадий ҳаваскорлик гуруҳлари, оилавий ансамбллар иштирокида ўтказилган кўрик-танловларнинг аҳамияти ҳам катта бўлди. Тайлоқ туманидаги Сирожиқдўнолар, Пастдаргом туманидаги Ораққуловлар, Каттақўрғон шаҳридан Сиддиқовлар оилавий ансамбллари, Булуғнур, Ҳўрғут, Самарқанд туманларидаги бадий ҳаваскорлик гуруҳлари касаб

Л.РОШУПКИНА, Самарқанд вилоят касаб уюшмалари кенгаши бўлим мудири

КАТТА ҲАШАР

Бухоро вилоятида шу йилнинг ўтган тўқтинчи ойи мобайнида ўз ўзини бошқариш идоралари томонидан ёш болали оилаларга 1 миллиард 731,5 миллион сўм, кам таъминланган оилаларга 189,7 миллион сўм, эмизикли ёшдаги болалар парварishi билан шуғулланаётган оналарга 1 миллиард 520,2 миллион сўм нафақа тўланди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Б.Жумаев бу ҳақда «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилди.

ноғиронларга 3 миллион 345,6 минг сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. 568 ноғирон ва фахрийларга дам олиш уйлари ва оромгоҳларга йўлланмалар берилди. 12 нафар ёлғиз қарияларнинг уйлари таъмирдан чиқарилди. Тадбиркорлик, савдо ва хизмат соҳаларини ривожлантириш орқали маҳаллада янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Умид» кредит уюшмаси томонидан 120 миллион сўм ажратилди. Утган давр мобайнида жами олти мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Булғунги кунда вилоятнинг 234 та маҳалласида хўнормандчилик устаконалари фаолият қўрсатапти.

Жорий йилнинг учинчи чорагида тўқтинчи мингта яқин кексалар имтиёзли нарҳларда дори-дармонлар билан таъминланди. Ушбу мақсадлар учун маҳаллий бюджет ва ҳомиёлар ҳисобидан 31 миллион сўм харажат қилинди. 476 нафар қаровчисиз қарияларнинг коммунал тўловлари учун 5,2 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари, улар 22,3 миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Б.Жумаевнинг айтишича, 1146 нафар

Маҳалла ва кишлоқларда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожига алоҳида этибор қаратилмоқда, - дея сўзига давом этди Б.Жумаев. - Шу мақсадда 306 та спорт иншоотлари таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. «Обод маҳалла» йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ маҳалла ва кишлоқларда ҳашарлар ўтказилди. Тушган маблағлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилди.



ЧўЛНИНГ ОЛТИН САНДИГИ

Бухорода пахта йигим-терим илғорлари ҳақида гап кетганда, заршунослар устози Азим Латипов ҳақида алоҳида ҳурмат билан гапиришади. Ишлаб чиқаришда бой тажриба орттирган, моҳир ташкилотчи, дехқончилик йилмининг пири саналмиш бу инсон бу йил ҳам ажойиб натижаларни қўлга киритмоқда. У етакчилик қилаётган ширкат хўжалиги миришкорлари зафар маррасини эгаллаб, йилни ёруғ юз билан якунламоқдалар.

Далаларда ҳали ҳосил бор. Шу боис суръат бўшаптирилмапти. Иш пудрат асосида ташкил этилганлиги қўл келди. Меҳнати юксак кадрланаётган пудратчилар ички имкониятларни ишга солиб, кўзланган натижага эришишяпти. Айниқсан Мансур Султонов, Шариф Умаров, Ҳамид Хидоятлов, Усмон Умаров, Иброҳим Яхшиев каби

«ЗИЁКОР» ХИЗМАТДА

Наманган вилоятида пахта йигим-терими қизгин паллага кирмоқда. Дала меҳнатқашларининг хордиди ҳам ёддан чиқмаган. Бу муҳим ишга зиёлилар ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Маънавият ва маърифат вилоят кенгаши ҳузурда «Зиёкор» гуруҳи ташкил этилди. Унга вилоят маданият ва санъат ходимлари, шоирлар киритилди. Гуруҳ вакиллари Алишер Навоий номидаги вилоят театри актёр ва музикачилари билан, бирга вилоятнинг барча туманларида бўлиб, пахтакорлар ва шаҳарлик хашарчилар учун концерт дастурларини намойиш этди, шеърят кечалари ўтказди.

ПАХТАЗОР ЮЛДУЗЛАРИ

Кўзнинг файзи ўзгача. Кишлоқ йўли бўйлаб Пскент туманидаги Алишер Навоий номи ширкат хўжалиги заршунослари томон борарканмиз, Богроғлар, гулзорларни кўриб, завқимиз келади. Табиийки, асосий этибор пахта йигим-теримида қаратилган. Қудратли «КЕИС»ларнинг наъраси ён-атрофини тугатган. Дала шийпонидан ёқимли куй қўлоққа чалинади. «Дур» йиғиштираётганларнинг чехрасида табассум. Боиси, бу йил ҳосил қўтилганидан баракали бўлди. Сиддиқидан тер тўкаётганлар яқин даромад қилишмоқда. Биз хўжаликда бўлган кун энг чекка участкада меҳнат қилаётганларга беш қунлик якун бўйича иш ҳақи тарқатилаётган экан. Қўчма дўкон, қутубхона ҳам намунали хизмат қўрсатмоқда. Сўтовчи Т.Алимов ишловчилар талаб қилган молларнинг энг сарасини келтирибди. Этиборлиси шуки, қўндалик рўзгор учун зарур бўлган неъматларни ҳам шу ернинг ўзида харид қилиш мумкин. Ҳамид Хидиров етакчилик қилаётган пудратчилар меҳнат беллашувда пешқадамлар сафига боришмоқда. Мухим ишда суръат ва сифат таъминланган. Умуман хўжалик далаларида шартнома мажбуриятини қўлайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Шу кўнганда қўлда терилган 1718 тонна пахта биринчи навага қабул қилинди. Азамат Ерматов, Нурали Отақуев, Рустамхон Саид-ахмедов, Муҳиддин Жўлиев беш пудратчи бўлган жамоаларда яқин кўнлар ичида белгиланган марра эгалланади. Т.ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фош этади

Оқолтин туманидаги «Пайшак ота» фермер хўжалиги аъзолари эрта сахар далага келдилару ҳўшлари бошларидан учди. Не кўз билан кўришсинки, чамандек очилган пахтазорнинг бир қисми қорайиб турарди. Кимдир пайкалдаги ҳосилни териб кетибди...

ПАХТА ЎҒРИСИ МУҚАДДАС ТУЙҒУЛАРДАН БЕНАСИБ КИМСА

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, дейдилар. Пахта ўғриси - қўшни қозғистонлик Абдумуин Нуримбетов узоққа кетолмади. У 500 килограмм пахта хомашёсини Абай канали орқали яширинча ўғирлаб ўтаётганида тумшугидан илинди. Нафс балоисига чалинган муқаддам судланган Абдумуиннинг юзи яна шувут. Пахта ўғриси деган тавқи лаънат яна бир қарра бўйича илинди. Сирдарё туманида яшовчи Ғофуржон Пулатов ҳам ўз нафсини жиловлай олмайдиган кимсалар сирасидан экан. Негаки, у бундан 2 йил аввал ҳам пахта хомашёсини Қозғистонга ўғринча олиб ўтаётганида қўлга тушиб, тегишлича жазосини олган эди. Аммо

килосини 100 сўмдан ҳамқишлоғи Ўткир Эргашевга пуллади. Ўзини шоҳидамас, баргида санайдиган Ўткирбек эса бу пахта хомашёсини эшак аравага юклаб, йўлга отланди. Лекин ҳар қанча уринмасин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларида қочиб қутула олмади. Сирдарё туманида истиқомат қилувчи Шўҳрат Қурбонов ва Қобил Холов ҳамда 2313-авторхона хайдовчиси Бахром Абдуназаровлар ҳам муқаддас туйғулاردан бенасиб экан. Улар бободоҳқон заҳмати эвазига яратилган салкам 2 тоннага яқин пахта хомашёсини хорижлик ҳамкорларига пуллаб, мўмай даромад орттириш ниятида йўлга тушганларида ниятлари саробга айланди. Бундан ташқари, уларнинг ҳамшаҳарлари бўлиши Илҳом Шодиев ва Олим Орзиқуловлар ҳам қозғистонлик пахтафуршуларни ахтариб кетишаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Пахта бебаҳо бойлигимиз. «Оқ олтин» масъумини муваффақиятли яқунлаш умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик иш. Буни англаб етмайдиган, қўли қодоқ дехқонларимиз ризқ-насибасига кўз олайтирадиган нафс бандаларининг эл аро юзи шувут бўлиши турган гап. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

«ДЕСК-ИНВЕСТ»: ЭРТАНИНГ УМИДИ

Тошкентда «Деск-Инвест» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур корхона Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Австриянинг «Вест маркетинг» компанияси, Америка Фукероси Марк Хушман ва «Осиё гранит» қурилиш бутлаш компанияси муассислигида ҳамда «Асака банк» молиявий кўмагида ташкил этилди. Корхона асосан қурилиш жиҳозлари ва том ёши қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, деди «DESK-INVEST» корхонаси бosh директори Анвар Раҳмонов. - Унинг низоми жамғармаси бир миллион 300 минг АҚШ долларига тенг. Корхонадаги дастгоҳлар Финляндиядан келтирилган бўлиб, бир йилда олти минг тонна металл қайта ишлаш қувватига эга. Айни пайтда корхонада 10 нафар ишчилар замонавий техника ёрдамида бир сменада беш минг квадрат метр металл черепица ва 15 минг квадрат метр том ёши қопламалари ишлаб чиқармоқда. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, ҳозирча сифатли маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириб мўлжалланмоқда. Сўнгра хорижга маҳсулот сотиш. Айни пайтда Афғонистон ва Араб давлатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш режалаштирилмоқда. «Туркистон-пресс»

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига

# ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ


Кўна тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир халқнинг номи ва шони унинг донишманд фарзандлари, улуг алломаларнинг эзгу ишлари билан ёд этилади. Шарқнинг нури дарвозаси бўлган Бухорои Шарифнинг Ғиждувон шаҳри ҳам улуг аллома, забардаст муршиди қомил, Хожагон - Накшбандия тариқати билан нафақат Шарқ мамлакатларида, балки дунёда эътироф этилмоқда.

муқаддас жой, уни бунёд этишга иштирок этганнинг икки дунёси обод», деган фикри тугиб келди. Бу эса ишнинг сифати ва салмоғини оширди. Қисқа муддатда ана шундай кўркам қадамж о бунёд этилди.

ЮНЕСКО ташаббуси ва умумхалқ ишига айланди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабр қарорига кўра Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик тўйи ҳадемай Ғиждувонда катта тантана билан нишонланади. Шу муносабат билан шаҳар таниб бўлмас даражада чиroy очиб, ўзгача қиёфа касб этиди. Ҳазратнинг қабрлари жойлашган табаррук қадамж о ва унинг атрофида катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Буюк пир номи билан аталувчи хиёбон барпо этилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг зиёратгоҳга ташрифи ва ҳазрат бобокалонимиз хоклари паноҳ топанг гўшада Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий қадамжолардагидек миллий меъморчилик намуналари асосида қайта таъмирлаш юзасидан берган амалий тавсиялари асосида катта миқёсда тиклаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эзгу ишда бухоролик кўли гул хунармандлар, меъморлар қатори республикамизнинг турли худудларидан ташриф буюрган курувчилар ҳам сидқидилдан кўмаклашишди. Кўйинги, муқаддас зиёратгоҳга кўрк бағишлаш



Унда кексаю ёш, бутун воҳа ахли чин ихлос билан иштирок этишди. Аазиз гўшада ишлаган ҳар биr киши қалбида «зиёратгоҳ

Юртбошимиз тасвираси асосида тарихий мажмуа




ни ўз бағрига оладиган жомеъ масжиди курилди. Шарқ меъморчилиги услубида янги даҳма бунёд этилди. Шунингдек, Амир Темуриг шевикли наби-раси Мирзо Улуғбек томонидан курилган мадраса қайта таъмирланди. Бу эзгу ишлар замирида эса мамлакатимизда маънавий меросимизга ҳурмат рамзининг узига хос ифода-си муҳассас этилган.

Ахли иймон эгаларининг қадами узилмайдиган бу зиёратгоҳ истиқлол шарофати билан ана шундай гўзал қиёфага эга бўлди. То ҳануз дунёнинг турли бурчакларидан эзгулик, меҳр-саховат, ий-

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» мухбири

Суратларда: Янги қиёфа кашф этган зиёратгоҳдан лавҳалар. Р.РАУПОВ олган суратлар



Пойтахтимизда «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

## УЙДАН УЗОҚДАГИ УЙ

«Dedeman Silk Road Tashkent» Ўзбекистондаги жаҳон андозаларига мос келадиган энг яхши тўрт юлдузли меҳмонхона бўлиб, Тошкентнинг марказида - йирик давлат муассасалари, халқаро ваколатхоналар ва савдо марказлари яқинида жойлашган.

Бу муҳташам меҳмонхона Туркия, Молдавия ва Кипрда меҳмонхоналарга эга Dedeman Hotels and Resorts International халқаро меҳмонхона тармоғига қарашли. 1920 йилда Камол Дедеман асос солган Dedeman холдинги 50 йилдан буён меҳмонхона бизнеси билан шуғулланади.

Аввалги «Дўстлик» меҳмонхонаси қисқа вақт ичида халқаро андозаларга жавоб берадиган тўрт юлдузли шинам меҳмонхонага айлантирилди. Бу ерда қулай шароит яратилгани туфайли меҳмонхона ишбилармонларнинг учрашувлар ўтказиши ва дам олиш жойи ҳисобланади. Меҳмонхонада 206 та яхши жиҳозланган стандарт, делюкс, сениор, президент хона мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида марказий иситиш тизими, кондиционер, тўғридан-тўғри телефон ва маълумотлар узатиш линияси, минибар, 16 каналли йўлдош телевидениеси тармоғи бор. Шунингдек, меҳмонхонада соғломлаштириш мажмуи, анжуман заллари, ресторан ва барлар, пул алмаштириш шохобчаси, кимёвий тозалаш пункти ҳам бор.

Меҳмонхонанинг шаффоф ойнали деворлари ва кўплаб чироқлари нури унга чирой ва кўрк бағишлайди. Бироқ энг асосийси, шахримиз меҳмонлари бу ерда ўзини уйидагидек ҳис қилади. Чунки меҳмонхонанинг эгалари - шаҳар ҳокимлиги, «Iprak yuli turizm invest» кўшама корхонаси ҳамда меҳмонхона маъмурияти ва хизматчилари «Уйдан узоқдаги уй» шioriни ҳаётга татбиқ этиш учун имкон қадар ҳаракат қилмоқда.

(ЎЗА)

### Фахр

## ТЕМИРЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Ака-ука Абдушукр ва Пулатжонга темирчилик касби отаси Миркомил ака ва бобо-си Муродил Усмоновлардан мерос. Миркомил ёшлик чоғидаёқ отаси Муродил бобонинг ёнида юриб, темирчилик касбининг меридан-сиригача ўрганди. У ҳам ўғиллари Абдушукр ва Пулатжонларнинг мактабидан бўш вақтларида ёнига олиб, темирчиликни пухта ўргатди. Биз катта уста Муродил бобонинг набираси, Миркомил аканинг ўғиллари билан иш устида суҳбатлашдик.

«Ўқиб юриб, дарсдан бўш вақтларимизда дадамиз Миркомил Муродилгога темирчилик ишларида яқиндан ёрдамлашардик, - дейди Абдушукр. Кейинчалик бу ишни пухта ўрганиб олдик. Бизга отамиз, отамизга бобомиз устозлик қилган эди. Оиламиз темирчилик бўйича ҳамма нарсани ула-далай олади. Пулатжон темирни қиздириб керакли ўлчовда қирқиб, уни буюртма бўйича хоҳлаган шаклда тасвирди.

Отаси Миркомил ака (жойи жаннатдан бўлсин) фарзандларини ишнинг кузатиб ҳам ота, ҳам устоз сифатида оқ йўл тилаган экан.

Мана фарзандлар ҳам эл ўртасида ўзига яраша обрўга эга бўлдилар. Устозлар 1991 йилда Марҳамат шаҳри марказидаги университет бозордан жой олиб, хусусий темирчилик ишхонаси очгандилар. Абдушукр ва укаси Пулатжон Муродилловлар отасидан ўрганган кетмон, белкуррак, чопқи, ўрок, теша, болта, печка, карнай, пичоқ ва қозик, темир халқалар, тақа каби темир буюмларини қойилмақом қилиб ясашпти. Улар юздан ортиқ хилма-хил уй-рўзгор буюмларни ясаб, буюртмачилар талабини қондиришмоқда.

«Темирчилик ҳунари, - дейди Пулатжон Муродиллов биз билан суҳбатни давом эттириб, ўзининг қадимий тарихига эга. Узок даврлардан бизгача сақланиб келган бу ҳунарни биз уч авлод қўлимиздан келганича такомиллаштиришга, янгиликлар кашф этишга изланиб ишлаяпмиз.

Марҳамат шаҳрида учта темирчилик хусусий кичик корхонаси ишлаб турибди. Усталар эса ўзгаллик ҳамда уй-рўзгор буюмларини тез ва сифатли тайёрлаб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилишпти.

А.ЭРАЛИЕВ

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Шу боис оқилона фаолият юритиб, дастурхонимиз тўқин, юртимиз обод бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган уста тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бирок гурӯҳ кўрмасиз бўлмайди деганларидек, баъзан пинҳона фаолият кўрсатиб, даромадини яшираётган «тадбиркорлар» ҳам учраб турибди.

Бўлимимиз ходимлари томонидан бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман худудда солиқ тўлашдан бўйин товлаб, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш борасида олиб борилган тезкор таҳлилий ишлар натижасида бир нечта ана шундай ҳолат аниқланди. Иқбол Ишмурадова

анча вақтдан буён хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келади. Буни қарангки, ишбилармонлик ортдан фойда олишни билган «тадбиркор» даромад солиғи ҳамда пеня тўловларини тўлашни «унутибди». Шунингдек, яна бир хусусий тадбиркор Улфат Одилов ҳам белгиланган тартибдаги даромад солиғини тўлашдан бўйин товлаб келаётган «учар»лардан чиқиб қолди. Маълум бўлишича,

### Қинғир иш — келтирар ташвиш

## ЯШИРИН ТЕГИРМОН

### фoш этилди

У 368 минг 765 сўм миқдоридидаги даромад солиғи ҳамда 165 минг 290 сўмлик пеня тўловларини тўламаган экан. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракат оқибатида бюджетга жами бўлиб 534 минг 55 сўмлик зарар етказилган. Фуқаро Хамдамқул Муҳаммадуловнинг «ишбилармонлиги» эса ҳаммасидан ошиб тушди. Тезкор текширувларда унинг тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан тегирмон куриб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб келаётганлиги фoш этилди. Четдан мамлакатимизга

сифатсиз махсулотларнинг олиб қилиниши иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатиши билан бирга фуқаролар саломатлигига жиддий путур етказилади. Шунинг учун ҳам сифатли кафолатланмаган тамаки махсулотлари ва спиртли ичимликлар олиб қилиниши ҳамда сотилиши ҳолатларини бартараф этиш хозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Туман тегирийўл шохбехатида ўтказилган тадбир натижасида фуқаро Улуғбек Хамров эъ бoш-

арувидаги «Тико» русумли автомашинида 1000 кути акциз маркази «Pine» сигареталарини сотиш мақсадида олиб келганлиги маълум бўлди. Нафс балосига йўлиққан қонунбузарга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари асосида иш кўзга тилиди.

Жуманазар БОЗОРОВ, Муборак туман прокуратори хузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

### Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси

Маҳалла фуқаролар йиғинларида ишламайдиган оналарга нафақа пулларини тайинлаб, тўлашда фуқаролар қонуний ҳуқуқларининг бузилмаслигини олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида тузилган хотин-қизлар комиссияларининг ролини ошириш зарур бўлади. Бунда Хотин-қизлар кўмиталари маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тайинланган нафақаларни тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ - КАТТА КУЧ

Ишлабдиган оналарга 2 ёшгача болалар нафақа пуллари тайинлаб, тўлашда қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилиб, ходимнинг манфаатларига зарар етказилганлик ҳолати аниқланган тақдирда-касаба уюшмалари «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг 1-қисми тартибда маъмуриятга аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳақида тақдимнома киритиш, маъмурият томонидан бу талаб бажарилмаган тақдирда 11-модданинг 2-қисми, Фуқаролик Процессуал Кодекси (ФПК)нинг 5-моддаси 3-қисми, 48-моддалари тартибда даъво ариза билан судга мурожаат қилишлари ва ходимга етказилган зарарни Фуқаролик Кодексининг 985-990-моддалари тартибда ундиришни талаб қилишлари лозим.

Икки ёшгача болалар парвариши билан машғул бўлган ишламайдиган оналарга нафақа тайинлашиши ва тўланишининг амалдаги тартиб қоидалари бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назорат қилувчи давлат органлари томонидан бузилган тақдирда маҳалла фуқаролар йиғинлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси ҳамда ФПКнинг 5-моддаси 3-қисми, 48-моддалари тартибда судга даъво ариза билан мурожаат қилишга ҳақлиқдирлар.

Ўрнатилган жамоатчилик назорати давомида икки ёшгача болалар парвариши билан машғул бўлган оналарга нафақа тўланишида ушбу нафақаларни ноқонуний равишда ўзлаштирилганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда маҳалла маъмурий ва хотин-қизлар комиссиялари ҳамкорлигида тегишли далолатномалар тузилиб, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиниши лозим.

«Ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун пенсияларнинг сунъий тўсиқларини ўз вақтида тайинлашиши ва ҳисоблангани устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», «Ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз пенсионерларнинг белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш аҳоли юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», «Давлат ижтимоий сугуртаси орқали бериладиган нафақалар, уларнинг ўз вақтида тайинлашиши ва тўлови устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид», услубий тавсияларда, одатдагидек, ушбу йўналишларнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари расман тўлиқ берилди. Бу борада тегишли қонунлар ва меъерий-ҳуқуқ ҳужжатларида белгилаб берилган фуқароларнинг вазифалари ҳамда турли хил пенсияларни тайинлаш механизмлари ва улар ижросида жамоатчилик назоратини ўрнатувчи маҳалла фуқаролар йиғинларининг ваколатлари махсус иловаларда бирма-бир кўрсатилади.

«Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларнинг белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид» услубий тавсияда тегишли қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган. Улар:

1.Ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерларга белгиланган имтиёзлар бўйича Президент Фармони, Вазирлар Маҳ-

камаси қарорини тарғиб қилиб, худудда яшовчи аҳолига, шунингдек, мактабларда (ўқитувчи ва ўқувчиларни қамраб олган ҳолда) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионер мақомини олиш, имтиёзлардан фойдаланиш ҳақида тарғибот-тушунтириш ишларини амалга ошириб бориш керак.

Бундай тоифадаги шахсларга давьгарлик ҳисси шаклланишига таъсир кўрсатиб бориш зарур.

2.Ўз худудларида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионер, деб топилиши мумкин бўлганларни аниқлаш керак ва уларга белгиланган тартибдаги ҳужжатларни расмийлаштириб, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишига ёрдам бериш керак.

3.Бу борада ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионер мақом олишга ариза берганлардан аризаси рад этилганлар бор бўлса, уларнинг рад этилиши қонунийлигини мунтазам ўрганиб, муносабат билдириб бориш керак. Шу қарорлардан бирортаси ноқонуний, деб шубҳа остига олинса ҳужжатларни ўрганиш учун прокурорга юбориш керак.

4.Ижтимоий таъминот бўлиmidан ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерларнинг рўйхатини олиш керак.

Рўйхат асосида уларга кўрсатилган хизмат, амалга оширилиши лозим бўлган имтиёзларнинг даражаси текширилиб борилиши керак. Бунинг учун ўзини ўзи бошқариш органлари ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерларнинг ҳар бирига биттадан вакилни бириктириб қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу вақил ҳар ойда 8 турдаги истеъмол молларини ўз мuddатида, белгиланган миқдорда ва сифатда етказиб берилганлигини текшириб бориши лозим.

Бундан ташқари, бириктирилган вақил ижтимоий таъминот бўлиmidаги масъул ходимларнинг пенсионер уйига келиб бажариши лозим бўлган ишларни ҳақиқатда лозим даражада амалга оширилганлигини текшириб бориши керак.

Шунингдек, бириктирилган вақил пенсионер хасталаниб, амбулатория тартибда даволанганда бепул дори-дармон билан таъминланганлигини назорат қилиб бориши керак (ўз ҳисобидан ёки биров ҳисобидан дори-дармон билан таъминланишига йўл қўймаслик).

Бу ишларни амалга оширишда узалишлар ва бошқа кўринишдаги камчиликларга йўл қўйилгани аниқланса, бу ҳақда далолатнома тузилиб, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғига тақдимнома киритиши лозим. Агарда бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйилиб, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга моддий ёки маънавий зарар етган деб ҳисобланса, судга даъво ариза киритилиши керак (бунда прокурор ёрдамидан фойдаланиш мумкин).

Амалга оширилган ишларга ошқоралик бериб борилиб, улар жамоатчилик назорати асосида жамоатчиликка билдириб борилиши, шунингдек, матбуот орқали ёритиб борилиши лозим.

Шу билан бирга ижтимоий муҳофазага эътибор ва қўнғил сўраша муҳтож бўлган бундай тоифадаги кишиларга қўмақ берувчи бошқа кўринишдаги хайри тадбирларни, аввало, маҳаллалар амалга ошириб боришлари лозим.

Марат ҒУЛОМОВ, юридик фанлари номзоди, доцент (Давоми бор)

## «ПАРВИНА» МАҲСУЛОТИ

### барчага манзур

Республикамизда фаолият юритаётган «Парвина-М» компаниясининг Самарқанддаги савдо ишлаб чиқариш фирмаси асосан сут махсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Бу ерда тайёрланаётган сметана, творог, пишлоқ, сариёғ, музқаймоқ каби махсулотлар ўзининг доимий харидорларига эга. Шоколад ва вафлилар ҳам аҳолига манзур бўлмоқда.

Корхонада 37 турдаги музқаймоқ тайёрланади. Бу махсулотни қўшни Афғонистон харидорлари ҳам яхши билишади. Ишлаб чиқариш ривожланишининг боиси эса Италиядан келтирилган янги технология ва ускуналардан самарали фойдаланилаётганидир.

Ислохот берган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган жамоа ички бозорни сифатли махсулот билан тўлдиршига ва республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётди.

К.УМАРОВА



Косон туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Туман марказий шифохонасида беморларга тез ва аниқ таъшиш қўйилиб, керакли муолажаларни амалга ошириш яхши йўлга қўйилган. Кўллаб шифоталаб кишилар дардига малҳам бўлаётган оқ халатли халоскорлар хизматидан эл мамнун.

**Суратда: туман марказий шифохонасининг ҳамшираси Шохсанам Курбонова.**

**А.ХУДОЁЕВ** олган сурат

**Зиё**

Кутубxonанинг муҳим вазифаси китобxonларнинг бадиий-эстетик, маънавий-маданий эътиҳорларини қондиришдан иборат. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Кутубxonалар халқимиз маънавий камолотини ошириш учун хизмат қилаётган миллий маданиятимизнинг бир қисmidир».

# ОЛТМИШ ЁШЛИ КУТУБХОНА

Қашқадарё вилоятининг бош илм ва маърифат маскани - Қарши шаҳридаги Саидо Насафий номи кутубхона биноси олиб борилган кенг кўламлидаги таъмирлаш ишларидан сўнг янада чирой очди, замонавий қиёфа касб этди.

Вилоят марказида қад кўтарган муҳташам иморат жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган фазилли даргоҳга айланган. Эндиликда у турли мавзуларда ажратиб олиш, касбага оид энг янги илмларни эгаллаш, илмий-услубий мустиқли эланишларини амалга ошириш учун жаҳоннинг йирик кутубхоналари ва ажратиб олиш тарихини билан боғлиқлиги ҳам ўз ичига олади. Интернет тизими орқали дунё кутубхоналаридаги адабиётлардан фойдаланиш ва керакли маълумотларни олиш учун имкониятлар яратилди. Бунинг учун маънавият қошонасида 32 компьютер, нуска кўпайтириш аппаратлари, «резорграф», яъни минитипография ва бошқа электрон воситалар ўрнатилди.

Кутубхона ташкил этилганга 60 йил тўлгандан кейин ҳаётининг энг даврини бошлади, деб айтиш мумкин. 250 миллион сўм маблағ сарфланиб, қайтадан таъмирланди. Бундан ташқари 80 миллион сўмлик янги бадиий, ижтимоий-сўбсий адабиётлар, китоб жавонлари ва бошқа техника жиҳозлари билан таъминланди.

Нурхоннинг китоб жамаармаси 368,5 миң, шу жумладан бадиий адабиётлар 154,5 миң нусхани ташкил этади. Янгидан «Хоржий адабиётлар бўлими» очилиб, инглиз, немис, француз ва араб тилларидаги китобларни жамлашга киришилди. Эндиликда хоржий мамлакатларининг ўзбекистондаги элчixonалари, турли чет эл марказлари билан алоқа ўрнатилиб, хоржий тиллардаги адабиётлар билан бойитилди.

Мавжуд адабиётларнинг электрон каталоги шакллантирилди. Келгуси йилдан бошлаб китобxonлар барча маълумотларни бевосита компьютер тармоғи орқали олиш имкониятига эга бўладилар.

Илм-маърифат масканининг янги қиёфа касб этишида «Қашқадарёнефтгазсаноткурйиш» трети, «Ўзбурғнефтгаз» акциядорлик компаниясининг «Курилиш ва таъмирлаш» очик хиссадорлик жамияти, Муборақ газни қайта ишлаш заводи, «Қаршиирмонтгаж» каби корхона ва ташкилотлар жамонали муносиб хисса қўшидлар.

Маънавият ва маърифат қошонасида турли тадбирларни ўтказиш йўлга қўйилган. Президент асарларини ўрганиш марказини, «Миллий истиқлол госяини ўрганиш ва тарғиб этиш», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» марказлари ишлаб турибди. Хожимликлар, корхона, ташкилот, муассаса-

лар олиб ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар ижтирокида давра суҳбатлари, шогир мулоқотлар, семинарлар уюштириляпти.

Бундан кейин даврий матбуот нашрлари қўрғасида Президент асарлари ва энг демократик жамият қуриш назарияси ҳамда амалиётига бағишлаб китоблар, давлат дастурларига оид материаллар, суратлар намойиш этиляди.

«Президент асарининг энг фаол билимдон», «Оилавий китобxon», «Йилнинг энг яхши кутубxonачиси», «Йилнинг энг яхши сценарийчи» каби республика кўрик-танловларининг вилоят босқичлари ўтказилиши ўқувчи ва китобxonлар билан ишлаш шакли ва мазмунини бойи-



тади. Айни пайтда иш олиб бораётган «Иқтидорли ёшлар клуби» ўз фаолиятини кизикarli ва ранг - баранг бўлишига интиломқода.

Аҳолига хизмат қўрсатиш яхшиланаяпти. Фахрийлар, оқоқоллар, уруш ва меҳнат, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлирига китобларни уйларига етказиб бериш йўлга қўйилган.

Илмий фаолият билан машғул олимлар, тадиқотчилар, талабалар учун ҳам шариоит етарли. «Илмий изланишлар зали» ана шу тоифа ходимларига хизмат қилади. Кутубхона фонди муттасил бойитиб бориломқода. Яқинда бу ерда бўлган Республика ёзувчилар уюмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Махлис депутаты Абдулла Орипов ўзининг 4 жиҳдди китоблар мажмуини тақдим этди. Вилоят раҳбарлари, корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлири, махалалар вакиллари кутубхонага ўз хисобларидан адабиётлар совға қилдилар.

«Президент асарларини ўрганиш маркази»да ўтказилган машғулот қизикarli ва марокли бўлди. Машғулотдан сўнг Қарши шаҳри мактабларидан келган 54 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчиларга, кам таъминланган оилавларини фарзандларига юртбошимиз асарлари совға қилинди.

**ЁЛКИН**

## Мозийдан дарак УЛКАН ХУМ

Жиззах туманининг Урта Сулоқли қишлоғида яшовчи Ихтиёр Донобоев томорқасида ишлаётиб, улкан хумга дуч келди. Қазиб олинган хумнинг баландлиги салкам икки метр, айланаси эса бир ярим метрдан зиёд эди. Хум ичидан гўдак суякларичикиди. Енидан эса катта ёшли одам жасадининг қолдиқлари топилди.

Самарқанд археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Муҳтор Пардаевнинг айтишича, зардуштийлик оdatига қара, илк ўрта асрларда майит хумга солиб дафн этилган. Бундай идишлар эса «костанд» деб аталган. Топилма Жиззах вилояти Ўлкашонлик музейи экспонатлари каторидан ўрин олди.

(ЎЗА)

Хозирги замон ўзбек тилининг лугати жами эллик миңдан ортиқроқ сўздан иборат экани маълум. Навоий эса ўз ижодида 200 миңдан ортиқроқ сўзни истефода этган. Хатто, рус тилининг муҳими бўлган гуенал Пушкин ҳам ўз шеъриятида ўз миңдан ортиқроқ сўзни ишлатган холос. Шу босдан ҳам бугунги китобxon Навоий шеъриятида ва насрида ишлатилган миңглаб сўз ва ибораларнинг лугавий маъносини тушунишга ўзида қийинчиликлар сезади.

Ана шу кемтиклар хисобга олиниб, шоир яшаган даврлардаёқ Навоий асарлари буйича махсус лугатлар тузилган. Бундай изланишлар кейинчалик ҳам давом этирилган. Хусусан, профессорлар А.К.Боровков ва К.К.Юдахинларнинг маслаҳати билан таниқли матншунос олим, филология фанлари доктори Порсохон Шамсиев 1953 йилда «Навоийнинг қисқача лугатини» чоп эттирди. Шундан сўнг бу иш чуқурлаштирилиб, 80-йилларга келиб, Ўзбекистон фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан ширининг 200 миңга яқин сўзлигини ўзида ҳам «этган тўрт жиҳдди лугати» нашр этилди.

Албатта, Навоий ижодида ишлатилган мураккаб истилохларга ўша даврнинг пешқадам зиёлиларининг ҳам зўрга тиши ўтган. Урта аср Шарқ адабиёти ва тили ҳақида дуруст маълумот олган, тарихий, диний, тасаввуфий ғоялардан ҳам чуқур хабардор бўлган зиёлиларини Навоий қўлдан барча сўз ва ибораларнинг маъзини чақа олишган. Чунки, Навоийнинг тилида ўша даврнинг расмий-идоравий тутимларида кенг қўлланадиган арабий, форсий сўз ва иборалар кучли акс этган эди. Иккинчидан, Навоий ўзига яратилиб хийла эскириш ҳолатига тушган Қошғарий ва Рабўзийлар қўллаган баъзи сўзларни ҳам тириштириб, ўз лугат бойлигига қўша олган. Учинчидан, Навоий ўша давр туркий тил қамровида бўлган барча лаҳжалардан тўлиқ фойдаланган. Туртинчидан, «Навоийнинг ўзи ҳам бир қанча янги сўз ва ибораларни кашф қилган. Масалан, у бугунги кунда «хуву» маъносидда ишлатиладиган сўзининг синонимини бўлган «оя» ва «овучни» ишлатар экан, араб тилидаги «каф»ни қўллашдан чекинмайдди. Унинг ижодида араб, форс тилидан кўчиб ўтган фалсафий, диний, тасаввуфий ва архаик сўзлар ҳар қадамда учрайди. Бу ранго-ранг сўзлар ўша давр адабий муҳитида, давраларида тўлиғича ишлатилиб келинган. Жумладан, биргина кишининг «юзи»ни ифода этадиган сўз маъносини қўлланганда, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари хисобга олиниб, «афт, башара, турк, ораз, жомол, узор, дидор каби синонимлардан усталик билан фойдаланган. У ижод баҳонасида турк тилига юзлаб янги-янги туб сўзларни олиб киришга муваффақ бўлган. Масалан, «турмоқ» сўзини ишлатганда, қофия ва ритмга эътибор билан қараб, шу сўзнинг эквиваленти бўлган «ўтрук» ва «қўпмоқ» мазмунини сўзлардан фойдаланган. «Кўёш» сўзига маънодош бўлган «кунаш», «кунас», «гунаш», «байзо» каби туркий ва арабий сўзларга ҳам тез-тез мурожаат қилган.

Навоий кўп ҳолларда ўзакка ясовчи қўшимчалар қўшиб, янги маънодаги сўзларни яратган. Байтларининг бирида «орзу» сўзига - «Навбаҳор», «Нефтчи» ва «Навбаҳор». Номи дастлаб тўғрисида мавсум арасидаёқ шундай башоратлар билдирилган ва улар бугун қўрсатган натижа сира ҳайрон қоларлик бўлмаса-да, наманганлик футболчилар, ҳеч муболагасиз эътироф ҳеч тизимчи, мўъжиза қўрсатдилар. Айниқса, клуб раҳбарлари сағига Виктор Жалилов қўшилган. Ун тўрт учрашувда 13 галаба, бори-бори битта мағлубийат. Бунақаси қамдан-кам бўладиган ҳодиса!

Умуман чемпионат тугашига бир тур қолганда турнинг жадвалида шундай ҳолат юзага келдики, олдинги етти ўринни банд этган жамоаларнинг биронтаси сўнги ўйинни ютган ёки ютказган тақдирда ҳам на юқорига кўтарилдилар, на қуйига тушдилар. Янглишмасак, илгари ҳеч қачон бундай манзара руй бермаган эди!

Кўрдигизми, бир турда қанча янглики! Энг йирик хисоб Наманганда қайд этилди. «Навбаҳор» ҳужумга зўр берди ва бутун ўйин давомидо тўла устунликка эришиб, «Металлург» у-

га кирган ҳар бир боб сарлаҳхаларида «ганжишюник топмоқ», «рах-рах тамано сурмақ», «шикаста мақол келмақ» каби млексемалардан фойдаланган. У аввалдан туркийда ишлатилиб келинган сўзларга ҳам янги маъно ва тус бериб, шеърий сатрларига ўзига хос сайқал бера олган.

Бунда у туркий халқлар лаҳжасини атрофлича билишини намоен этган. Шунингдек, фольклор намуналаридан ҳам олий даражада маҳорат билан фойдалана билган. У ўғиз ва қипчоқ элементларини чуқур биланлигидан: «Тун оқшом келди қулган сори ул гулрўш шитоб айлаб» деб бошланувчи ғазалда «кеча кечкурун» деган мазмундаги бирикманни «тун оқшом» деб ишлатган. Ўғиларга кирувчи Хоразм халқидо хали ҳам «тун оқшом» сўзи «кеча кечкурун» мазмунда қўлланиб келинади.

Шоир ўзбек адабий тилини грамматик жиҳатдан ҳам ниҳоят даража-

чилиқлар тортгани маълум. Навоий ҳам ўз даврида турк тилининг фазилатларидан тобора бешахра қолиб келаётган туркийги зиёлиларнинг хатти-ҳаракатидан қаттиқ ташвишга тушади. Шоир форслар таъсиридан гўё мошқиридек аралашиб кетган бу тилни асраб қолиш ниётида қатор назарий фикрлар билдирди. У «Мухокаматул лугатайн»да туркий тилининг имкониятларини кўрсатиб қўйиш учун форсчада «муодиби» бўлмаган бир қанча сўзларни мисол қилиб келтиради. Жумладан, ушармақ, жийжаймоқ, ўнгаймоқ, чекирмақ, дўмсайманк, уманмоқ, ўсанмоқ, иғирмоқ, ўхрамоқ, торикмоқ ва бошқалар. Туркийдаги бу сўзларнинг ўрнини босадиган муодиллар форсларда йўқ. Навоий форс тилида «йилгамоқ» сўзининг фақат «гиря» сўзи билан ифода этилиши ва ўша даврда бу сўзнинг ўрнини босадиган муодиллар йўқ эканлигини айтиб, туркийда унинг бир қанча маъно оттен-

каларини ифода этувчи сўзлар бойламини мавжудлигини шеърий мисралар келтириш йўли билан исботлайди. Бунинг учун форсларда йўқ бўлган «йилгамоқ» сўзига диққатни қаратади: **Зоҳид ишқин десайи, қилғай фаш, Йилгамоқу қўзғай келмас ёш.**

Шу билан бирга бу сўзнинг ифода қилувчи яна бир қанча синонимлари мавжуд эканлигини айтиб: йилгати, сиктати, ўқурди, бўқурди, инчирди, ҳикқиллади, пиққиллади, қўз ёши қилди каби сўзларни келтирди. Шоир яна фикрини ривожлантириб «чақмоқ», «чоқин», «елдирим», «илдирим» каби сўзларни ифода этиб, форсларда мазкур маънодаги сўзнинг ўзи йўқлигини, улар арабча «барк» ёки «саиқа» сўзларини ишлатиш юрисларини айтди. Енгил қўчиша мўжлаллаб, оқ рангда қуриладиган ўтовни форслар «хиргоҳ» деб атаганлар. Аммо шу уйнинг қисмлари форсийлар: тунгук, узук, турлук, босук, чиг, канот, қўзанак, уев, боғиш, бўсаға, эркина каби туркча атамалар билан аташиб келган. Ёки қийикнинг эркак-урғочисини форслар алоҳида атам билан номламай, умуман оху ёки гаваз деб аташади. Навоий туркийлар қийикнинг эркакни «хун» десалар, модасини «қилқоқчи» деб аташини, уларнинг бошқа турларини суйқун, марал номи билан қўллашларини маълум қилади. Ёввойи йўқликнинг эркак, урғочисини ва боласининг ҳам форсийда алоҳида муодиди бўлмай, улар умуман «хук» деб ишлатилади. Туркийлар эса чўққани тўнғиз, қобон, урғочисини эса «мегажин», боласини «чурпа» деб аташади. XIV асрда ов қилинадиган паррандаларнинг умий номи илобосун деб аташ расм бўлган. Форсларда илобосун деган тушунчанинг ўзи йўқ. Масалан, туркийлар ўрдақнинг эркакни «суна», урғочисини «бўрчин» деб номлашиб келган. Форс тилида бу сўзлар бир маънода «мурғоб» деб ишлатилмаверди. Ўрдақ турларини яши ажратадиган баъзи туркийлар уларни: жўрқа, эрка, суктур, олмабощ, чоқирқанот, темирқанот, алдалдаға, алапака, боғчал атамалари билан атаб, бу паррандаларнинг номларини етмиш хилга етказиб санайдилар.

Худди шунингдек, Навоий отлар-

# НАВОИЙ УЛУҒЛАГАН ТИЛ

да бойитган. У қатор сўз шакллари, синтактик конструкцияларини қўллаб, фикрини жуда тиниқ ифода этган. Шунинг эвазига у ўзбек адабий тилининг ифода воситаларини кенгайтириб, унинг эстетик имкониятларини юзага чиқарган. Бу тилининг етуқлигини кўрсатиш мақсадида машхур «Мухокаматул лугатайн» китобини яратган. Навоийнинг бу асарини подшоҳ томонидан маъқулланиб, мадрасаларда тахсил учун мударрислар зиммасига оқлатилган.

Навоий бу асарда ўзбек тилидаги униларни филологик нуқта-назардан таҳлил ҳам қилиб берган. Униларнинг фарқини ифодалаганда қалин-ингичка сўзларини ишлатиш билан бирга «дақиқ», «ирик», «йирик» сўзларини ҳам қўллай билди. Унинг тилшунослик маҳорати грамматик ва лексикологик таҳлилларда намоен бўлди. Навоий ўзбекча билан туркча солиштирганда ўзиникини мақтаб, ўзганикини камситиш йўлидан бормеган. Бирок тил муаммоси давлатнинг ташвиқотиға айланган ўша кезларда, баъзи форсий забон мунаққидлар «турк тили оқиз ва нотаун гариб, дауал ва ночор тил, бунда нафосатли байтлар битиб бўлмайди деюевичлар кўп бўлган эди. Шунга қарамай, Навоий бирон бир жойда форс тилининг иззат нафисига тегадиган, уларнинг қитғини келтирадиган муболага, ҳажми ишлатмайди. У далилларини сира бўрттирмайдан, илмий тил билан келтирди. Шу йўл билан у икки тил учун ҳам керакли бўлган ғояларни ўртага ташлайди. Шунинг учун ҳам бу муътабар асар Техронда бир неча бор нашр этилган.

Навоийнинг ўзбек тилининг шаънини химоя қилиб илмий асар ёзишга қистаган нарсаси энг аввало, ўша даврда ақсарият иждоҳор зиёлилар ўз тилларининг маъно ноизқиларини пайқамай, кўпроқ форс тилида ифода этишлари бўлди. Бундай ҳодисалар дунё тиллари тарихида ҳам тез-тез учраб турган. Масалан, Алмгери Дантегача итальянлар француз тилининг таъсиридан чиқиб кетолмаган. Кейинчилик французларнинг ўзлари италиян тилининг машаққатларини чеккан. Пушкин ва Карамзинлар яшаган XIX асрда эса, рус тили француз тилининг исқанжасидан чиқмай қийин-

да ўйинни бой бериб, мухлисларини ранжитгани бор ҳақиқат. Қўрамин, охириги турда Кўқонда ўйин қандай кечаркин?

Колган учрашувлар қуйидагича тугади: «Бухоро» - «Дўстлик» - 2:1, «Нефтчи» - «Машъал» - 2:0, «Самарқанд» - «Гулистон» - 1:0.

Турнир жаadwalи

Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О	
1. «Пاختақор»	29	25	2	2	80-20	77
2. «Нефтчи»	29	22	2	5	77-35	68
3. «Навбаҳор»	29	19	5	5	64-26	62
4. «Навбаҳор»	29	18	3	8	59-39	57
5. «Кизилқум»	29	16	4	7	56-33	52
6. «Машъал»	29	13	4	12	46-38	43
7. «Андиқон»	29	11	6	12	37-34	39
8. «Самарқанд-Д»	29	11	2	16	39-43	35
9. «Сурхон»	29	10	4	14	31-54	34
10. «Бухоро»	29	10	2	17	48-44	32
11. «Трактор»	29	9	4	16	38-59	31
12. «Дўстлик»	29	9	3	17	38-58	30
13. «Кўкон-1912»	29	10	0	19	44-68	30
14. «Металлург»	29	8	5	16	34-69	29
15. «Цементчи»	29	7	7	14	37-64	28
16. «Гулистон»	29	6	3	20	22-62	21

# ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИГА бир тур қолганда

Энди бемалол айтишимиз мумкин. Чемпион ҳам, кумулар ҳам изю физик аник. «Пахтақор», «Нефтчи» ва «Навбаҳор». Номи дастлаб тўғрисида мавсум арасидаёқ шундай башоратлар билдирилган ва улар бугун қўрсатган натижа сира ҳайрон қоларлик бўлмаса-да, наманганлик футболчилар, ҳеч муболагасиз эътироф ҳеч тизимчи, мўъжиза қўрсатдилар. Айниқса, клуб раҳбарлари сағига Виктор Жалилов қўшилган. Ун тўрт учрашувда 13 галаба, бори-бори битта мағлубийат. Бунақаси қамдан-кам бўладиган ҳодиса!

Умуман чемпионат тугашига бир тур қолганда турнинг жадвалида шундай ҳолат юзага келдики, олдинги етти ўринни банд этган жамоаларнинг биронтаси сўнги ўйинни ютган ёки ютказган тақдирда ҳам на юқорига кўтарилдилар, на қуйига тушдилар. Янглишмасак, илгари ҳеч қачон бундай манзара руй бермаган эди!

Кўрдигизми, бир турда қанча янглики! Энг йирик хисоб Наманганда қайд этилди. «Навбаҳор» ҳужумга зўр берди ва бутун ўйин давомидо тўла устунликка эришиб, «Металлург» у-

да ўйинни бой бериб, мухлисларини ранжитгани бор ҳақиқат. Қўрамин, охириги турда Кўқонда ўйин қандай кечаркин?

Колган учрашувлар қуйидагича тугади: «Бухоро» - «Дўстлик» - 2:1, «Нефтчи» - «Машъал» - 2:0, «Самарқанд» - «Гулистон» - 1:0.

Турнир жаadwalи

Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О	
1. «Пاختақор»	29	25	2	2	80-20	77
2. «Нефтчи»	29	22	2	5	77-35	68
3. «Навбаҳор»	29	19	5	5	64-26	62
4. «Навбаҳор»	29	18	3	8	59-39	57
5. «Кизилқум»	29	16	4	7	56-33	52
6. «Машъал»	29	13	4	12	46-38	43
7. «Андиқон»	29	11	6	12	37-34	39
8. «Самарқанд-Д»	29	11	2	16	39-43	35
9. «Сурхон»	29	10	4	14	31-54	34
10. «Бухоро»	29	10	2	17	48-44	32
11. «Трактор»	29	9	4	16	38-59	31
12. «Дўстлик»	29	9	3	17	38-58	30
13. «Кўкон-1912»	29	10	0	19	44-68	30
14. «Металлург»	29	8	5	16	34-69	29
15. «Цементчи»	29	7	7	14	37-64	28
16. «Гулистон»	29	6	3	20	22-62	21

# Турфа олам

**УЧУВЧИ ҚИЗЛАР**  
Шу вақтда учувчилик эркаклар касби деб қаралар эди. Бирок хитойлик хотин-қизлар бу борада ҳам яна бир қадам олға ташлашди. Энди улар самалётда нафақат оддий йўловчи, балки учувчи бўлиб паровз қилиши мумкин. Фақат бунинг учун улар ҳам Хитойдаги фуқаролар авиациясини учувчиларини тайёрлашдан инстиутини тамомлаши керак.

Ўқиб давомидо талаба қизлар учувчилик касбини маҳорат билан эгаллаши, уни санъат даражасига кўтарши, инглиз тилини мукамал ўзлаштириши лозим.

Жорий ўқув йилида икки юздан ортик абитуриент қиздан атиги беш нафари танлаб олинди. Итиҳонда қизларнинг фақатгина ақл ва заковати эмас, балки соғлиғи ва чиройи ҳам муҳим аҳамиёт касб этди. Учувчи бўлишни орзу қилган қизларнинг бўйи ҳам камидо 178 см бўлиши, ёши эса 18 дан ошмаслиги талаб этилди.

# САККИЗ ОЙЛИК СИНОВ

Ироқда хизмат қилаётган АҚШ миллий гвардиясининг икки нафар аскари ироқлик аёллар билан оила қурди. Бирок қўвлар рафиқаларини келаси йилининг баҳорига қадар АҚШга олиб кета олмайдилар.

Маълум бўлишича, эндиликда ироқлик фуқароларнинг АҚШ визасини олиш тўғрисидаги аризаларини қўриб чиқиш жараёни камидо саккиз ой чўзилар экан. Чунки АҚШнинг Ироқдаги давлат департаменти виза берадими. Виза олиш учун аризаи учинчи давлатга оддий почта орқали жўнатиш керак. Бунга эса анча вақт кетади. Агар улардан биронтаси мазкур буйруққа амал қилмаса, жазо чоралари қўрилиши мумкин.

Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси Самарқанд вилоят алоқа ходимлари Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Толиб Раҳматовга валидан муҳтарамаси

**КИФОРТ** аянтинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси давлат иқтимоий суғурта бўлими мудири Абдуқалим Эшқобиловага акаси

**АЗИМ**